



Туркистон Комиссарлари—1919 йил январ ойида Тошкентда болшевикларга карши кўзголон (исён) - Осипов исёни пайтида отиб ташланган Туркистон Республикаси (ТАССР) совет ва партия арбоблари. 18 январдан 19 январга ўтар кечаси К.Осипованинг (Туркистон Республикаси харбий вазири) таклифига биноан исёнчилар жойлашган 2-Сибир ўкчи захира полкининг собик казармасидаги йигилишга Туркистон Республикаси Марказий Ижроия кўмитаси раиси В.Вотинцев, Тошкент Кенгаши раиси Н.Шумилов, унинг ўринбосари В.Финкелштейн, шунингдек Туркистон ЧК раиси Д.Фоменко ташриф буюрди. Осиповнинг буйруғи билан улар дархол отиб ташланди. 18-21 январ кунлари яна ўнта комиссар ўлдирилди (отиб ташланди, ўлдирилди, жангда халок бўлди ва хоказо).

Осипов исёни пайтида жами ўттиз бешта таникли совет ва партия ходимлари исёнчилар кўлида халок бўлди, аммо, бир катор сабабларга кўра, улардан энг яхши болшевиклар хисобланган ўн тўрт киши ажратиб олинди ва ушбу гуруҳни кўп йиллар давомида тарихий хужжатларда таърифлаш учун "ўн тўрт Туркистон комиссари" атамаси кўлланди. Ушбу ибора бу одамларни ўша пайтда Туркистонда халок бўлган бошқа бир катор совет ва партия ходимларидан ажратиб турарди.

Советларга карши кўзголон бостирилгандан сўнг, ўлганларнинг, шу жумладан бу комиссарларнинг колдиклари, катл килинган жой якинидаги Александр хиёбонида — исёнчиларнинг кароргоҳи - 2-пиёда полкининг казармаси якинида дафн этилган (А.В. Червяков Перовскда (хозирги Кизил Ўрда) дафн этилган).

Кейинчалик бу ерда Коммунистик партия ва Совет давлатининг таникли арбобларини дафн килиш давом этган. Совет даврида Александр хиёбони Кафанов номидаги хиёбон деб аталган, чунки 1923 йилда бу ерда Ўзбекистон Компартияси Марказий назорат комиссияси раиси М.Р.Кафанов дафн этилган. XX асрнинг 70-йилларида инкилобчилар ва партия арбобларининг кабрлари жойлашган худуд «Коммунарлар хиёбони» деб номланган. XX асрнинг 20-30-йилларида кўпинча оммавий кабрлар ёнида митинглар ва тантанали юришлар ташкил этилган. Кейинрок комиссарлар дафн этилган жойда ёдгорлик ва эсдалик стеласи очилди.

1962 йилда Кафанов номидаги хиёбонда комиссарлар дафн килинган жойда «Мангу олов» очилди ва Тошкент вокзали олдидаги майдонда хайкалтарош Дмитрий (Даниил) Рябичев томонидан барча 14 Туркистон комиссарларига гранитдан ясалган ёдгорлик ва унинг олдида мангу олов ўрнатилди. Бу ёдгорлик "Ўн тўрт Туркистон комиссарлари

ёдгорлиги" деб номланди.

1996 йилда Тошкент вокзали олдидаги майдонда жойлашган Туркистон Комиссарлари хайкали шаҳар ҳокимияти томонидан демонтаж қилинди ва бир мунча вақт ўтгач, унинг ўрнига Туркистон Комиссарлари билан ҳеч қандай алоқаси бўлмаган яна бир ёдгорлик ўрнатилди.

2000 йил Кафанов хиёбонидаги комиссарлар дафн этилган жойдаги обелиск демонтаж қилинди. 7 Комиссарнинг қолдиқлари Тошкент коммунистлар қабристонида дафн қилинди, яна 7 қабрга тегилмади.

Осипов исёни қурбонлари бўлган Туркистон Комиссарлари рўйхати:

Всеволод Дмитриевич Вóтинцев — Туркистон республикаси МИК раиси, Тошкент ҳарбий трибунали раиси, Тошкент ишчи ва солдат депутатларининг матубот органи «Наша газета» муҳаррири;

Владислав Дамианович Фйгельский — Туркистон Республикаси Халқ Комиссарлари Қенгаши раиси, Туркистон Республикаси Мудофаа Олий ҳарбий Қенгаши аъзоси;

Донат Перфильевич Фоменко — Туркистон ЧК раиси;

Николай Васильевич Шумилов — Тошкент Қенгаши раиси, темир йўллар Халқ комиссари ўринбосари, Тошкентдаги октябрь қурулли кўзғолони иштирокчиси;

Вульф Наумович Финкельштейн — Тошкент Қенгаши раисининг ўринбосари, Тошкент Қенгаши Ижроия қўмитаси аъзоси;

Александр Яковлевич Першин (1874—1919) — 1917 йил декабрдан РСДЛП (б) шаҳар қўмитаси аъзоси, озик-овқат комиссари, Туркистон кизил армияси ва кизил гвардияси ташкилотчиларидан бири;

А. Н. Малков (Малкоф) — Халқ Комиссарлари Қенгаши ишлар бошқарувчиси, ички ва ташқи ишлар Халқ комиссари;

Евдоким Прохорович Дубицкий — темир йўл комиссари;

Михаил Самойлович Качуринер (1897—1919) — 1918 йил июлдан Туркменистон Республикаси Молия комиссари, августдан меҳнат комиссари, октябрдан Тошкент қасаба уюшмалари Қенгаши раиси;

Алексей Васильевич Червяков — Туркистон Республикаси ҳарбий дала судининг раиси;

Семён Павлович Гордеев — Тошкент шаҳар Қенгаши ижроия қўмитаси аъзоси ва РКП(б)шаҳар қўмитаси аъзоси;

Михаил Н. Троицкий — «Красноармеец» гаетаси муҳаррири;

Георгий Иванович Лугин — шаҳар хавфсизлик бошлигининг ёрдамчиси;

Дмитрий Григорьевич Шпильков — янги шаҳар партия жанговар отрядининг командири.

Абу Муслим тайёрлади